

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартадан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

2022 йил  
29 январь  
ШАНБА  
№ 13-14  
(4610)

## «Uzbekistan GTL»: МИЛЛАТ ҚАДДИ ВА ҚАДРИГА ДАХЛДОР ГИГАНТ МАЖМУА



### Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 28 январь куни мактаб таълимимни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йигинаши ўтказилди.



Давлатимиз раҳбари «Аҳолининг иктиомий химояга муҳтоҷ тоғифарини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомилластириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси ташкиларни ишлар вазiri Абдулазиз Комилов Саудия Арабистони Подшохлигининг мамлакати миздаги Фавкулодда ва муҳтор элчиси Юсуф ал-Утайбини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси бош вазiri ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбагаллини кисқартириш вазiri Жамшид Кўчкоров раислигига 28 январь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига ёзод давлатлар вазirlik ва идоралар раҳбарларининг камбагаллини кисқартириш масалалари юзасидан онлайн учрашуви ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили Исламтула Иргашев Парик шаҳрида Франция Республикаси Европа масалалари ва ташкилар вазirligi Осиё ва Океания департamenti директори Берtrand Портолари билан учрашиди.



Миллий гвардия қўмандони генерал-майор Р.Жўраев ва Хиндишон Миллий хавфсизлик гвардияси Бишкек директори М.Ганапати ўртасида онлайн видеомулоқот шаклида учрашув бўйиб ўтди.



Соғлиқни сақлаш вазirligida Францияning ўртимиздаги Фавкулодда ва муҳтор элчиси Аурелия Бушес хоним билан ўтказилган мулоқотда тиббёт соҳасида ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиб масалалари муҳокама этилди.



«Ўзмилийбанк» АЖ Осиё инфраструктурунга инвестициялар банки билан 200 млн. АҚШ долларларлик келишув имзолади.



Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрида экологик рейдга старт берилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

“

Бугун бафуржка ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Ўзбекистон энергетика соҳасидаги улкан ютуғимиз бўлмиш «Uzbekistan GTL» корхонаси ҳам мамлакат энергетика тармоғида ташкил этиладиган кластер тизимининг қалдирғочларидан бири бўлади. Бироқ, шундай деймизу, бу муваффақиятга қандай эришганимиз, нималарнинг, қандай меҳнату жасоратнинг эвазига ушбу завод бунёд бўлганини кўпам ўйлайвермаймиз. Ҳаммаси оддий, шундай бўлиши керакдай туюлади, кўпчилигимизга. Аслида ундан эмас. Чўлнинг қоқ марказида қад ростлаган ва бугун ҳалқимизнинг фахрига, иқтисодиётимизнинг таянчига айланиши кутилаётган «Uzbekistan GTL»нинг дунёга келишини, ҳеч шубҳасиз, юксак ва метин сиёсий ипроди маҳсулди, дейиш мумкин.

”

Фото: Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати

3, 4, 5, 6-саҳифаларда ўқинг

### Саҳифаларда ўқинг...



#### БИРЛАШГАН УЗАР ёхуд кооперация яратадиган имкониятлар



#### СОЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРИ: МУРАККАБ «ҮЙИН ҚОИДАЛАРИ»



#### ИЖОДКОРЛАР ТАФАККУР БАҲСИДА

8

Бухоро вилояти

## Ҳақли даъво

Мақсада Камолова Вобкент туманидаги 38-умумтаълим мактабида 1997 йилдан 2021 йилга қадар котиба сифатида ишлаб келган. Бу даврда бирор марта меҳнат таътилида бўлмаган.

Ўтган йил август ойида пенсияга қузатилган бўлса-да, фойдаланилмаган асосий ва кўшимча меҳнат таътиллари учун компенсация тўловини тўлаб бериш ҳақида мактаб маъмурияти ўйлаб ҳам кўрган. Меҳнат кодексининг 151-моддасида меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўлашини белгиланганига ҳам ҳеч ким бosh қотирмаган.

Бир ташкilotda қарийб чорак аср умринг ўтса, меҳнат таътиллариси ишласанг-да, нафақага чиқиш асоси ўз ҳақингни талаб қилиб, ҳамманинг кўзига «бало»дек кўринишдан ёмони ўйқ экан, – дейди Максуда Камолова.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Бухоро вилояти кенгашига мурожаат қилган Максуда опанинг даъосини соҳа мутахассислари ҳар томонлама ўрганиб чиқди ва ҳақида талаб қаноатлантириладиган бўлди. Ўртacha ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан холда пуллик компенсация тўлаб берилиши тўғрисида масъул ташкилотга кўрсатма берилди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Фарғона вилояти

Муҳторжон Турсунов Фарғона шаҳридаги «Шифо тез ёрдам» автохўжалик корхонасининг ҳайдовчиси. 2016 йилдан бўён шу ерда ишлаб, беморлар саломатлигиги асрарда ўзининг ҳиссасини кўшиб келмоқда. Вазифаси ҳам шифокорларни каби масъулиятли.

...Оқшом пайти навбатдаги чакириб бўлди. Муҳторжон ака ва шифокор кўрсатилган манзилга зудлик билан етиб келишиди. Шифокорни беморнинг ўйига тушниб, автоуловни йўналишга тўғрилаб олиш учун орқага юрди. Ён-атроф қоронғи бўлгани учун ҳеч қандай тўсик бор-йўқигини кўриб олиш максадида машинадан тушдино, оёғи тойиб, кавлаб қўйилган чукурликка тушиб кетди. Рўй берган ҳодиса натижасида ўнг сон сиянни, шифохонага ётқизилди. Жарроҳлик амалийини бошдан ўтказди.

Фарғона вилояти туманлараро тиббий меҳнат эксперти комиссияси (ТМЭК)нинг холосасига асосан М.Турсуновга меҳнат қобилиятини 60 фоизга йўқотгани сабабли иккинчи гурух ногиронлиги тайинланади.

Аммо иш берувчининг фўқаролик жавобгарлигини мажбурий сўраб ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилид.

– Ушбу ҳолат ўрганиб чиқиди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори Равшан Фозилов.

– М.Турсуновнинг баҳтисиз ҳодисага учраши, суурита компанияси воже қилиб кўрсатганидек, эхтиётсизлик эмас, балки туннинг қоронғилиги, ён-атрофни ёртвичи чирокларнинг йўқлиги сабаб бўлган. Суурита компаниясининг жабрланувчига аралаш жавобгарлики қўйлаш тўғрисидаги талаби инкор этилиб, «Суурита» ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома расмийлаштирилди. Шундан сўнг М.Турсуновга 23 млн. 979 минг 869 сўм бир марталик нафақа пуллари тўлиқ ундириб берилди.

Жабрланувчига меҳнат қобилиятини йўқотгани сабабли ҳар ойда 1 млн. 198 минг 993 сўмдан нафақа тўланиши белгиланди.

## «ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ» дэя тавсифламоқчи эдилар...

Дилдора ИБРОХИМОВА,  
«ISHONCH»

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»



Бандлик



## БИРЛАШГАН ЎЗАР ёхуд кооперация ярататётган имкониятлар

Бухоро вилоятида кооперациялар ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамоилини изчил йўлга кўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



– Вилоят миқёсида 30 нафар тадбиркор кооперация тармоқларини ташкил этиш учун танлаб олинган бўлиб, уларнинг лойӣҳалари асосида 10130 нафар аҳоли бандлиги таъминланishi режалаштирилган, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ҳамид Бешимов. – Шундан 7848 нафарини хотин-қизлар ташкил этиди. Тадбиркорлар тақдим этагетган лойӣҳаларнинг бетаси паррандадилар, 2 таси чорвачилик, 3 таси гулчилик, 3 таси иссиқона ташкил қилиш, 9 таси тикувчилик, 1 таси пойбазлар ишлаб чиқарни, 6 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ва сақлаш, бодгорчилик ва кўнглиллик йўналишларига доирдир. Ушбу лойӣҳаларга 94,8 миллиард сўм йўналтириш режалаштирилган. Шундан 57,1 миллиард сўми банке кредитидан, 3,3 миллиард сўми субсидия ва 34,5 миллиард сўми тадбиркорларнинг ўз маблағаридан иборат бўлади.

Хозирга қадар кооператор ва кооперацияга аъзо бўладиган ишсиз фуқаро-

лар ўртасида тушунириш ишлари олиб борилиши натижасида шартномалар имзоланиши бошланди. Масалан, Коғон туманидаги «Когон омад паррардан» МЧЖ билан 35 нафар, Бухоро шахридаги «Замин Мадад Тайёрлов Савдо» МЧЖ билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 40 нафар, Олот туманидаги «Олот нурли йўл кооперацияси» МЧЖ билан гулчилик ва кўччилилк йўналишида 45 нафар, Жондор туманида «Жондор Мега Дизайн» МЧЖ билан тикувчилик соҳасида 25 нафар иши шартнома имзолади.

Шоғирон туманидаги Жилвон маҳалласида ҳам 55 нафар фуқаро гул парваришишга ихтисослашган «Сайд Мироншоҳ Кулол» оиласи корхонаси билан ўзаро шартномаларни расмийлаштириди. Корхона 22-23 январь кунлари ҳар бир хонадонга ўртага 500 тадан хонаки гул кўччалари етказиб берди.

Корхона раҳбари Саодат Исаеванинг таъкидлашича, гул кўчтини парваришиш учун алоҳида иссиқона қўриш шарт эмас. Доимий илиқ ҳароратдаги хо-

нанинг бир бурчагида беш юз дона кўчтани ўтириш мумкин. Масалан, бир дона елим кутидаги элликтада ўн дона елим кутида 500 та гул кўчтани парваришишнади. Ўнта елим кутида эса атига 1,5-2 квадрат метр жойини эгаллайдиган.

Бу дегани, ўйингизнинг битта контакта эгаллайдиган қисмидаги гул ўтиришингиз ва йилнинг исталган вақтида ёки маблагга муҳтохник пайдо бўлган пайтда буюртмачига сотиб, даромад ортириш мумкин.

Бинобарин, кооперациян лойӣҳалар оиласи даромад манба бўлиб хизмат қиласди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,  
«ISHONCH»

Аёлни жамиятда етакчи кучга айлантириш, унинг ҳаётин муммомларини ҳал этиш ўта мўҳим масала бўлиб, жойларда тизимли тарзда юритиб келинаётган «Аёллар дафтари» ана шу эзгу истак рўёбига хизмат қилмоқда. Самарқанд вилоятида ҳам хотин-қизлар муммомларини ҳал этишига бағишлиланган тадбирнинг галдаги босқичи қизғин кечмоқда.

– Аёллар муммосини ўрганиш ва адолатли ҳал этиши мўҳим масала. Ушбу жараённинг холис, шаффоғлиги устидан кучли жамоатчилик назорати ўрнатилган, – дейди Тайълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов. – Ўтган фурсаатда «Аёллар дафтари»ни шакллантириш, муммомларга ёндашувларда муайян тажриба тўпланди. Шу қоққа вилоядаги 1 минг 123 та маҳалла истиқомат қилаётган 734 минг 83 нафар аёл билан мулоқотда бўлинид.

Пастдаром туманида ҳам хатлов жараёни қизғин кечди. Уйма-ўй юрши анососида кўй нарсалар ойдинлаши. Ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Баъзи ҳолларда муммомга жойида ечим топилияти.

Буни қарангки, «Найманча» маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи икки нафар аёл ишга муҳтолжигини айтишни ҳамон ҳоким ёрдамчиси, маҳалла оқсоқоли ишга киришди. Мутасаддилар саъӣ-ҳаракати билан Гулноза Ниязовна в Дилшода Қўлдовшеванинга бандлиги таъминланди. Улар мўмайгина ҳақ тўланадиган пишириқ цехига ишга жойлаштирилди.

Аммо одамларни қўйнаётган дардларга бир йўла чора топиш қийин. Туманинг «Оқолтин» маҳалласида яшовчи Дилюза Бегимкулова хонадонида етишмовчилик бор. Узи ҳам, турмуш ўртоғи Яхшимурод Мардонов ҳам ишсиз. Боз устига, оиласда улгаяётган икки нафар фарзанднинг бирни дардга чалинган. Шу боис мазкур оиласга алоҳида фамъүллик кўрсатилиши керак.

– «Кичик найманча» маҳалласидаги Тўлқиной Эргашева хонадонида ҳам бўлдик, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Маъруф Бобоёров. – Каталакдек уйда уч оила, ўн икки жон истиқомат қилиб келаётган экан. Энг ачинарлиси, хонадондаги оиласларнинг бирида улгаяётган гўдак тибий ёрдамга мұхтож. Уларнинг барча муммомлари анкета сўровномаларига киритилди.

Ўрганишларга жиҳдий ёндашилаётгани ўз самарасини беради. Айни чоғда туманда истиқомат қилаётган 70 минг 116 нафар хотин-қизнинг муммоси мутасаддиларга етказилган.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Янгибозор туманидаги 29-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитасига 2019 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ибрат намунаси даражасидаги таянч бошланғич касаба уюшма ташкилот» мақоми берилган.

Албатта, бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўтироға самарали фаолияти эвазига ёришган. Аммо бу ўзига хос масъулият ҳам бўлиб, ўз-ўзидан бугун ушбу бошланғич ташкилот бугун ҳам қандай ибрат кўрсатяпти, деган савол түғилди.

**M**азкур мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси Шаҳодат Шарипова ҳар тонг ишга ошиқар экан, шурида дарс машғулотлари билан бирга ҳам-қасбларини қўллаб-куватлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳакидаги ўй-хәёллар билан юради.

Бугун ҳам Шаҳодат баланд қайғият билан ишга кириши. Шу орада кўй телефони жиринглади. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси Соатоди ака экан.

– Шаҳодат опа, ёш касабақўмлар билан тажрибаларини ўртоқлашсангиз, улар ҳам сиз каби ютуқларга ёриши. Муҳим, Шаҳодат ўз фарзандларига биринчи навбатда, жамоатида касаба уюшма ташкилотни көрсатади.

– Бажонидил, – деб гўшакин кўйар экан касабақўм ўз фарзандини тағтилини қилиши.

– Бажонидил, – деб гўшакин кўйар экан касабақўм ўз фарзандини тағтилини қилиши.

Биринчи навбатда, жамоатида касаба уюшма ташкилотни көрсатади. Мактабда 2019 йилда жамоат шартномаси шартларини бажаришга 48 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланни, ҳар бир ходимга 1 МИЛЛИОН 120 МИНГ сўмдан тўғри келган эди. 2020 йилда пандемия шароитида ходимларни қўллаб-куватлаш чоралари янада кучайтирилди. Шартномада янги шартлар акс этиди. 2021 йил якунлари таҳлили ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2 МИЛЛИОН 316 МИНГ сўмдан тўғри келганини кўрсатди.

«Касабақўмлар иш берувчилар билан бамаслаҳат иш кўриши, шартномаларни имзолашда муассаса шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ходимларнинг фикр-мулоҳаза ва тақлифларини инобатга олиш зарурлигини маслаҳат бераман. Ахир, ҳадемай 2021 йил якунлари таҳлили қилиниб. Жамоат шартномалига 2022 йил учун ўзгаришиш ва кўшичалар киришиш имкони бўлади», деб ён дафтарига ўз фикрларини битиб кўйди.

Мактабда 45 нафар ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг 31 нафари аёллар, 10 нафари ёшлар. Кейинги йилларда мактабга ўш мутахассислар келаётганинг айни мудда бўлди. Улар «устоз-шоғирд» анъаналари асосида малакали мутахассисларга бириттирилди. Ўз ҳам Урганч давлат университети битирувчи босқич талабаси Нурсултон Султоновни шоғирдликка олди. Мактаб ўқувчилари фан олимпи-

## ЕТАКЧИ ЁНДАФТАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

ибрат даражасидаги бошланғич ташкилот қандай намуна кўрсатяпти?

адаларида, танловларда фаол иштирок этишпти. Ўтган йили мактабни таъмомлаган 27 ўқувчи-йилниг 9 нафари олий ўқув юртларига киришга мувоффақ бўлди. Колган битирувчилар ҳам интилувчан, бирни тадбиркорлик, бирни хунармандлик, бирни дэхқончиликнинг этагини туттаган.

«Касабақўмлар ҳам-қасбларини янги ютуқларга ундан туришлари лозим», деб қайд қилди яна Шаҳодат ён дафтарига.

Албатта, жамоатдаги ишчи-хизматчилар ҳам ўтибордан четда қолмаслиги керак. Мактабда 15 нафар ишчи фаолият кўрсатади. Улар меҳнатини муҳофаза қилиши доимий ўтибордан. Кам таъминланган 7 нафар ходим иш берувчи томонидан ҳам, касабақўм томонидан ҳам қўллаб-куватлашни келинишади.

Уч ёшгача фарзанди тарбиялаётган 4 нафар ходим маддий рағбатланирмокда. 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ фарзанди бор 5 нафар аёл ходим ҳам жамоат шартномаси орқали имтиёзлардан фойдаланмоқда.

«Ижтимоий муҳофаза масаласи ҳар доим касабақўм учун бирламчи вазифалар сираидан жой олиши керак» – ёш ҳам-қасбларига айтадиган фикрларидан бири шу.

Меҳнат муҳофазаси, ходимлар учун зарур иш шартлари яратишнинг ахамияти катта. Албатта, шу мавзуга ҳам тўхталиш керак.

Мактабда 2019 йилда жамоат шартномаси шартларини бажаришга 48 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланни, ҳар бир ходимга 1 МИЛЛИОН 120 МИНГ сўмдан тўғри келган эди. 2020 йилда пандемия шароитида ходимларни қўллаб-куватлаш чоралари янада кучайтирилди. Шартномада янги шартлар акс этиди. 2021 йил якунлари таҳлили ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2 МИЛЛИОН 316 МИНГ сўмдан тўғри келганини кўрсатди.

1993 йилда курилган. 2019 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида реконструкция ишлари олиб борилиши на-тижасида ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам қулийликлар яраттиди.

– Мумкинми, – хонага касаба уюшма қўмитаси аззолари кириб келишиди. Лобар Абдулаева, Комилжон Абдикаримов, Ирода Алларёва, Шарқия Якубова унинг кўл-қанотлари. Барча ишни бамаслаҳат режалаштиради, амала оширади. Бугун ҳам улар билан 2022 йилда Жамоат шартномасига кириладиган ўзгаришлар ҳақида фикрлашиб олиши керак. Касаба уюшмалари тағрисидаги конунчиликда касабақўм аззолар учун ҳам имконият ва имтиёзлар берилгани айни мудда

килишга қаратилган шартлар ижросини таҳлил қилиши. 2021 йил давомида 3 нафар юқори натижаларга ёришган ходим санаторийларда бепул соғломлаштирилгани айни мудда бўлди. Бу бошқаларни ҳам ютуқларга рағбатлантирилмоқда. Жорий йилда ходимларни тарихий шаҳарларга саёхатга олиб қишишини кун тартибига кириш керак. Мактабда ходимлар иштирокида викторина ва танловлар, спорти мусобакаларни кўпроқ уюштириши керак.

Мактаб директори Шукуржон Абдукаримовнинг спорт-севарлиги барчага ибрат. Шукуржон мактабда ўқиб юрган кезларидаёткес республика, халқаро мусобақаларда иштирок этган. Хозир ҳам волейбол ўйнайди. Тармок, касаба уюшмаси томонидан ўтказилаётган мусобақаларда мактаб жамоаси гольбиш шоҳсузасидан жой олишида директорнинг ҳиссаси катта. Ўқувчилар ҳам ҳар йили туман, вилоят миқёсидаги турли спорт мусобақаларда гулиб бўлиб келишияпти. Баланд кўрсаткичлар туфайли жисмоний тарбия ўқитувчиси Илҳом Йўлдошев «Халқ таълими аълоҷиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Касабақўм аъзолари шуларни мисол қилган ҳолда, 2022 йил давомида уюштирилдиган мусобақалар ҳақида келишиб олдилаар. Шаҳодат

«Буни ўш











# ИЖОДКОРЛАР ТАФАККУР БАҲСИДА

пойтактимизда журналистлар ўртасида шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтди

Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида Алишер Навоий шахматга ўхшаш тафаккурни ривожлантирувчи ўйин ўйнагани ҳақида маълумот келтирилади. Соҳиби-рон бобомиз Амир Темур ҳам ўз саройида мантиқан шахматга яқин ўйин мусобақаларини ўтказиб турган. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, таникли публицист Озод Шарафиддинов ва истеъододли шоир Эркин Воҳидов ҳам ўз даврида ёзувчи, журналист ва ижод аҳли ўртасида мунтазам шахмат мусобақалари ташкилластирган.



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими ҳомиглигидаги ижод аҳли ўртасида ташкил этилган шахмат мусобақаси ҳам ушбу ажойиб анъана давом эттаётганинг исботи бўлди.

Дастлаб мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин журналистлар иштирок этиши.

Эрқаклар ўртасида давом этган 7 турда шахмат ишқиблорлари ўзаро бир-бирлари билан куч синашиби, очко тўплаб бордилар ва якунда энг кучлилари сараланди.

Аёллар ўртасида 5 та тур ҳам қизғин ва муроносасиз кечиб, опа-сингилларимиз ақл гимнастикасида ҳам тенгисиз эканликларини намоён этиши.

Мағлубиятнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам алами бўлуди, деганларидек мусобақага барча иштирокчилар қизғин тайёргарлик билан келганиларни бир ёну, шахмат бахонасида инчадан бўйин дийдор кўришмаган ҳамкаслар, қадрдонлар учрашуви, хурсандчилиги бир ён бўлди. Қарангки, баъзи турларда ҳамкаслар қадрдонлар билан партияда, бир-бира қарши

дона суршига тўғри келган бўлса, айрим партияларда устоз шогирлар иккى кутбдан туриб ҳаракат килишига тўғри келди. Айрим ҳолатларда раҳбар ва ходимлар мусобақалашган бўлса, бир-бируни сиртдан яхши билган, аммо ўзаро кўришмаган журналистлар ҳам ўйин баҳонасида юзма-юз учрашиши. – Умуман олганда, бундай мусобақалар бўлаётгани жуда яхши, – деди «Хуррият» газетаси бўлим бошлиги Шоҳруҳ Акбаров. – Олимпиада спорт ўйнларida «Галаба эмас, иштирок этиш мухим», деган бир қоида бор. Шахсан мен учун ҳам бу ўйнда иштирок эттаётгани мухим. Бугун дўст-биродарларимни, қадрдан ҳамкасларимни кўриб, кайфиятим кўтарилди. Журналистлар ижодий уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлимига ушбу тадбирни ташкилластиргани учун миннадорлик билдираман.

– Мени хурсанд қилгани шуки, барча журналистлар ҳалқаро миқёсдаги мусобақада қатнашадиган даражада пухта тайёргарлик кўришган, – деди FIDE (Халқаро шахмат Федерацияси) ҳаками Сабоҳат Зайнiddинова.

Қизлар ўртасидаги баҳсларга ҳам назар ташлаймиз. Ўзбекистон Милий аҳборот агентлиги мухбири Дилобар Маматова ҳамда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар универсиети ўқитувчиси Екутхон Эркабоева ўртасидаги ўйин жуда қизғин кечди. Вақт қисқа, тезкор қарор қилиш ва дона суриш зарур. Ниҳоят, Екутхон Эркабоевага учинчи ўринни забт этиш наисбет этиди.



Етти турнинг барчasi якунлангач, ҳамкамлар натижаларини эълон қилишиди. Унга кўра, моҳир журналистлар Хабиб Темиров, Шоҳруҳ Акбаров ва Шодмон Отабекларга «Энг моҳир ўйинчи», «Энг фаол иштирокчи», «Энг ёши улуғ шахматчи» номинациялари берилди. Асрор Мўмин етти очко билан мутлақ биринчи, Носиржон Тошматов иккинчи, Нодир Яхшиев учинчи, Рашид Галиев тўртничини ва Акбар Нурматов бешинчи ўринни кўрга кириди.



Кизлар ўртасидаги мусобақада Ёкутхон Эркабоевага биринчи, Дилобар Маматовага иккинчи, «Класс» газетаси мухбири Гулёра Ўринбоевага учинчи ўринни забт этиш наисбет этиди.



Голиб-ларга Журналистлар ижодий уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими томонидаги топширилди. Фаол иштирокчилар ҳам номинациялар бўйича тақдирланиши.

\* \* \*

Сўнгра мусобақанинг республика босқичига старт берилди. Унда ҳар бир виляядан келган иккича нафар иштирокчи ва пойтактадаги ўйинда голибликни кўлга киритган журналистлар биргалида баҳслashiга киришдилар.

Албатта, виляялардан ҳам энг сара ўйинчилар келишгани, ҳамкасларимиз шахмат билан яқин дўст эканликлари яққол кўзга ташланди. Барча партияларда ўйинлар кизғин кечди.

– Вақтнинг бўлганида оила даврасида фарзандларим билан шахмат ўйнаб тураман, – деди Тойлоқ туманидаги «Кўшчинор» газетаси бош мухаррири Абдулла Носиров. – Ана шу тариқа тажриба ортирганинг кўл келиб, бугун республика босқичидаги қатнашяпман. Ишдан чарчаган инсонга спорт доим яхши ҳамроҳ, айниқса, биз ижод аҳли учун бу ўйин дам олишдек гап.

– Мен ҳам болалигимдан шахматга ошноман, – деди «Намаган ҳақиқати» газетаси маҳсус мухбири Шоҳида Даминова. – Газетамиз 10 минг нусхада, хафтада иккى марта соҳиб этилмоқда. Имкон қадар ҳар бир сонида виляйтимиздаги ижтимоий, машини миаммоларни кўтариб чиқиши ҳаракат қилияпмиз. Бугун ушбу мусобақа баҳонасида бошка наушларда, радио ва телевиденидаги ишлётган кўплаб ҳамкасларим билан танишдим, мулоқот қилдим. Ушбу тадбир учун ташкилотчиларга миннатдорлигимни билдираман.

Муросасиз кечган республика босқичи кучлиларини ҳам 7 тур давомидаги иштирокчиларни берди. Натижаларга кўра, эрқаклар ўртасида биринчи ўрин сирдарларик ҳамкасларимиз Отабек Хайдиевга, иккинчи ўрин буҳоролик журналист Рустам Иброҳимовга, учинчи ўрин эса МТРК монтажчи оператори Даърон Гуломовга наисбет этиди. Аёллар ўртасида мутлақ голибликка тошкентлик Ёкутхон Эркабоевга, иккинчи ўринга сурхондарёлик Динора Хурсандова ва учинчи ўринга пойтактлик Дилобар Маматова муносаби деб топилди.

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



ISSN 2012-6020  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва аҳборот  
агентлигига  
116-рек билан  
рўйхата олинган.

«Ishonch» ва  
«Ishonch-Доверие»  
газеталари  
тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир ҳайъати роиси),  
Улубек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АДАМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшон БЕДИЛОВ,  
Кутлиумурт САБИРОВ,  
Суҳроб РАФИҚОВ,  
Шоҳсомон ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ГОЙИБНАЗАРОВА,

Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(бои мухаррири  
биринчи ўринбосари),  
Мехридин ШУКУРОВ  
(Масъул комити – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул комити – «Ishonch-Доверие»)

**Бош мухаррир**  
Хусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти –

(71) 256-64-69

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт –

(71) 256-52-89

Миллий-маънавий  
қадриялар ва спорт –

(71) 256-82-79

Хатлар ва мухаррирлар  
билим ишлаш –

(71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна –

(71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон  
Республика Президентининг

фармон ва қарорлари,

энг сўнгги янгиликлар,

таҳлилий, танқидий

мақолалар, ҳабарларнинг

тўлиқ матни

билим танишишингиз

мумкин.

**Худудлардаги мухбирилар:**

Қоракалпогистон

Республикаси – (+998-99) 889-90-22

Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-34

Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34

Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02

Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28

Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14

Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26

Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55

Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32

Фарғоня вилояти – (+998-99) 889-90-24

Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01

Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган  
малумотларда мағна сифатида  
газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят**  
нукти назаридан  
фарқланиши мумкин.

**Навбатчи мухаррирлар:**

З. Рихисев,  
С. Абдурахмонов

**Муҳаҳидлар:**

Д. Ҳудойберганова,  
У. Ҳуберберганова

**Саҳифаловчи:**

Ҳ. Абдузалилов

Босиша топшириш вақти – 22:35

Топширилди – 01:50

Газета оғсет усулида,  
А-2 форматида босилди.

Ҳажмад 4 месец табоқ.

Буюрта Г-106

34308 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткини: 133

1 2 3 4 5 6

**Баҳси келишишган нарҳда**

**Манзилимиз:**

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-йўл.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сеншана, пайшана  
ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер

компанииси босмахонасида чоп этили.

**Корхона манзими:**

Буюк Турон кўчаси, 41-йўл.

**Тахририят ҳисобраками:**

2021 0000 0004 3052 7001,

АТП «